



Андижон вилояти ҳокимлиги расмий портали

## Умумий маълумотлар

---

### УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР



#### Географияси ва иқлими

Андижон вилояти шимолий-шарқдан ва Жанубдан Қирғизистон Республикаси билан, гарбдан Фарғона вилояти ва шимолий-гарбдан Наманган вилояти билаи чегарадош. □  
Вилоятнинг иқлими кескин континентал, қуруқ. Тоғ тизмалари Фарғона водийсига совуқхавонинг кириб келишини тўсиб турганлиги боис, қишда об-ҳаво бир мунча мўтадил. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати 27.3 °С, қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача ҳарорати -3 °С. Вегетация даври 217 кун, йиллик ўртача ёғин миқдори 200-250 мм. ниташкил этади. Тупроқлари бўз, кўнғир, ўтлоқи, ботқоқ тупроқлар, қумтош, мергел чакиртошлардан иборат бўлиб, экин экилмайдиган текисликлар қисмида турли оъсимликлар, тоғ ён бағъирларида писта, бодом оъсади. Ёввойи ҳайвонлар (бўри, тулки, қобон ва бошқалар) кам учрайди, судралувчилар, кемирувчилар, қушлар, сув хавзаларида балиқлар бор. □

Вилоят маркази Андижон шаҳри - Фарғона водийсининг энг катта, Ўзбекистон Р еспубликасининг эса, Тошкент, Самарқанддан кейинги учинчи шаҳри ҳисобланади. Шаҳар денгиз сатхидан 450 метр баландликда, Андижонсой қирғоқлари бўйлаб жойлашган.

Табиат ресурслари Андижон вилояти Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларига нисбатан сув ресурсларига бойлиги, яъни дарёлардан, тоғлардан кўп йиллик қор ва музликлардан сув олиб туриши билан ажралиб туради. Асосий дарёси - Қорадарё(Сирдарё ирмоқларидан бири) бўлиб, унинг ирмоқлари - Майлисув, Оқбўри, Аравонсой ва бошқалар. Ушбу дарё бўйидан олинадиган шағал ва қумлар вилоятда олиб борилаётган қурилиш ишларида кенг фойдаланилмоқда.

Вилоятда қишлоқ хўжалигида ўзлаштирилмаган 3 минг гектар бўз ерлар, 21,5 минг гектар яйловлар ва 1,5 минг гектар мелиоратив ҳолатидаги қурилиш ерлар жами 26 минг гектар ерлар, адирликлар ва яйловлар мавжуд. Келажакда ушбу ерларга ишлов берилиб, адирликларга сув чиқариш учун насос станциялари ўрнатилиши ва боғлар



вилояти ва шимолий-гарбдан Наманган вилояти билан чегарадош.

Вилоятда 3 та вилоятга ва 8 та туманларга бўйсунувчи шаҳарлар, 14 та туманлар, 5 та шаҳарча, 95 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 536 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд. Андижон вилояти табиат, минерал, маданият ва бошқа ресурсларга бойлиги билан ҳам бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Ушбу ресурслардан фойдаланиш натижасида вилоят иқтисодиётининг барқарор ривожланишига эришилмоқда.

---

